



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

## МУНДАРИЖА:

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Амир Темурнинг одилона иқтисодий сиёсати – кудратли империянинг шаклланиш ва ривожлантириш омили	5
<b>Дилфуза Олимбоевна Матёкубова</b> Бизнес тузилмаларини инновацион ривожлантириш учун диверсификация стратегиясини танлаш истиқболларини баҳолаш тартиби ва усуллари	12
<b>G‘ayrat Zuvaytovich Ubaydullaev</b> Mamlakatda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish strategiyalarini amalga oshirish inson kapitali samaradorligini oshiradi	16
<b>Fotimaxon Ibragimovna Ergasheva, Madina Isoqjonovna Oxunjonova</b> Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish masalalari	21
<b>РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Гулнора Мардиевна Шадиева</b> Влияние инновационных процессов на экономическое развитие Республики Узбекистан: теоретические аспекты	26
<b>Omonilla Saydaminovich Umarov, Abdulxay Xasanboyevich Xodjayev</b> Iqtisodiy xavfsizlikini ta’minlashda ochiq ma’lumotlar sohasining ahamiyati	31
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Рузбой Нормухаматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов</b> Мева-сабзавотларда бўладиган нитратлардан келадиган хавфлар ва уларнинг олдини олиш йўллари	35
<b>Гулнора Мардиевна Шадиева, Умида Равшановна Равшанова</b> Теоретические аспекты занятости в сельском хозяйстве и их влияние на развитие экономики Республики Узбекистан	38
<b>Сусанна Сейрановна Алиева</b> Солнечная энергетика в тепличном хозяйстве	44
<b>Zaxriddin Vasliddin o‘g‘li Usubjonov</b> Namangan viloyatida qurilish materiallari ishlab chiqarish sanoatining rivojlanishi	49
<b>Muxriddin Mo‘ydingon o‘g‘li Turg‘unov</b> Oziq-ovqat sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini boshqarish masalalari	55
<b>Абдухолик Эгамович Тангиров</b> Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари ва уларни бошқаришдаги айрим муаммолар	58
<b>Mirodiljon Xasanboy o‘g‘li Xomidov</b> O‘zbekiston Respublikasi avtomobilsozlik korxonalarida sanoat kooperatsiyasini tashkil etish va foydalanishning iqtisodiy ahamiyati	62
<b>Xakim Toshimovich Buriyev</b> Qurilish sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini oshirishning ilmiy asoslari	66
<b>МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Саидахроп Саидахмедович Гуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Ўзбекистонда таълим самарадорлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича айрим тавсиялар	72
<b>Обид Мамаюнусович Пардаев</b> Кўп ўлчовли камбағалликни аниқлашнинг янги индикаторлари ва уларнинг моҳияти	78

## НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мурод Мухаммедович Мухаммедов – СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори,

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев– СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

### АМИР ТЕМУРНИНГ ОДИЛОНА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ – ҚУДРАТЛИ ИМПЕРИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

**Аннотация.** Мақолада Амир Темурнинг оқилона иқтисодий сиёсати қудратли империяни шакллантириш ва ривожлантиришда асосий роль ўйнаганлиги исботланган. Буюк империя иқтисодий ва географик шароитлари, аҳолининг этник таркиби ва маданий анъаналари жиҳатидан турлича бўлган жуда кўп мамлакатлардан таркиб топганлигига қарамадан, Амир Темурнинг доно иқтисодий сиёсати уларни бош мақсад сари йўналтириш имкони берганлиги ва бунинг эвазига иқтисодий жиҳатдан қудратли давлат барпо қилишга эришганлиги асослаб берилган. Муаллифлар айнан иқтисодий фаолият Амир Темурнинг серқирра фаолиятида асосий роль ўйнаганлигини, унинг юксак иқтисодий тафаккур соҳиби эканлигини асослаб беришга катта урғу беришган. Мақола олимларни Амир Темурнинг иқтисодий сиёсати тўғрисида кенг кўламда илмий тадқиқотлар олиб боришга даъват қилади.

**Калит сўзлар:** империя, Рим империяси, Темурийлар империяси, уйғониш, цивилизация, инкироз, иқтисодий сиёсат, иқтисодий тафаккур, иқтисодий дунёқараш, ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодий муносабатлар, иқтисодий манфаатлар, солиқ.

**Кириш.** Тарихда дунё эътироф этган йирик империялардан бири буюк бобокалонимиз Амир Темур асос солган Темурийлар империясидир. Ушбу империя шароитида ҳудудларда иқтисодий ўсиш, халқнинг фаровон ва адолатли яшаши учун пойдевор қурилган десак хато бўлмайди. Буни бутун дунё олимлари ва сиёсатчилари тан олиб келмоқда. Ушбу масала бугунги кунда ҳам мамлакатимиз Президентининг эътиборидан четда эмас. Жумладан, 2023 йилнинг 11 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унинг 44-мақсади, 101-бандида “Муҳаммад Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ҳақида дунё кино бозорларида рақобат қила оладиган янги бадиий фильмлар яратиш” масаласи қўйилган. Демак, бунда аждодларимизнинг образини дунёга танитиш масаласи турибди. Ушбу фармонда: “Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш”<sup>1</sup> масаласи қўйилган. Ушбу мақсад ва вазифаларга эришиш учун албатта аждодларимиз, хусусан Буюк Амир Темур тарихи ва тажрибаларини ўрганиб, уларни бугунги ҳаётимизга татбиқ қилишимиз лозим бўлади. Зеро, бугунги иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш лозим бўлиб турган шароитда ушбу масала ўта долзарб аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан ушбу иш долзарб масаланинг ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Дунё олимлари, шу жумладан мамлакатимиз олимлари ҳам қадимдан бугунги кунгача Амир Темур тарихига оид масалаларни тадқиқ қилиб, бу бўйича кўплаб асарлар битилган. Булар жумласига Руи Гонсалес де Клавихо [8], Б.Марсель [6], Ибн Арабшоҳ [2], Б.Ахмедов [3], Салоҳиддин

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.

Тошкандий [9], М.М.Мухаммедов [5, 17], А.Соғуний [7], А.Рахматуллаева [10], Б.Ахмедов [3], Ш.Р.Қобилов [4], М.А.Рустамов [4], Ж.Рахимов [11], Н.Н.Хабибуллаев [12], Д.А.Қурбанова [12], Т.Файзиев [13], М.И.Иванинг [14], Ҳ.Дадабоев [15], Мухаммад Али [16], А.Бердимуратов [18], М.Қ.Пардаев [17] кабиларни киритиш мумкин. Ушбу олимлар томонидан Амир Темурга оид серқирра масалаларнинг у ёки бу жиҳатлари тадқиқ қилинган ва адабиётларда ёритилган. Аммо унинг айнан алоҳида иқтисодий қарашлари, унинг иқтисодиётни бошқаришдаги ўзига хос хусусиятлар етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва мос равишда адабиётларда ҳам кам ёритилган. Масаланинг ушбу жиҳати айнан ушбу мавзунинг долзарб муаммонинг ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

**Тадқиқот методологияси.** Амир Темурнинг одилона иқтисодий сиёсати орқали қудрати империянинг шаклланиш ва ривожланиш омили эканлигини ёритиш жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, миқдор ва сифат каби услублардан ва ёндошувлардан фойдаланилган. Бунда асосан мантикий таҳлил усуллари ва мунозарали масалалар ҳам қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Тарихдан маълумки, инсоният узоқ асрлар давомида иқтисодий жиҳатдан жуда катта қийинчиликларни бошидан кечирди (йўқчилик, қаҳатчилик, қўрғоқчилик, босқинчилик ва бошқалар). Табиийки, у ана шу иқтисодий қийинчиликлар гирдобидан чиқиш, ўзига яшаши учун қулайроқ шароитлар яратиш йўллари излади. Бу табиий интилишлар замирида сон-саноксиз урушлар, қабилалараро, мамлакатлараро кескин зиддият ва низолар юзага келди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимиов ўзининг кўп йиллик изланишлари, синчков кузатувлари натижасида “Инсоният тарихи урушлар тарихидан иборат”, деган хулосага келди.<sup>1</sup> Ёзувчининг бундай қатъий хулосага келишига сўнгги олти минг йил ичида сайёрамизда 5700 марта қирғинбарот урушлар бўлганлиги, уларда сон-саноксиз одамлар қурбон бўлганлиги, жуда кўп одамлар майиб-мажруҳ бўлиб, тирик мурдага айлланиб қолганлиги тўғрисидаги олимлар тадқиқотларининг натижалари сабаб бўлган.

Бу урушлар натижасида тарихда ўчмас из қолдирган, кишилик жамияти ижтимоий-иқтисодий тараққиётга катта туртки берган йирик империялар вужудга келди. Империя, аввало, монархнинг (императорнинг) мутлақ ҳокимияти остида бирлашган ва жуда узоқ вақт давом этган энг кучли ва энг катта мамлакатлараро, миллатлараро давлат тузилмалари сифатида тушунилади. Империя давлат сифатида, кўпинча, иқтисодий ва географик шароитлари, аҳолининг этник таркиби ва маданий анъаналари жиҳатидан турлича бўлган жуда катта ҳудудларни ўз ичига олади. Қадимги Миср, Хитой, Рим, Эрон, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр ва жаҳоннинг бошқа ҳудудларида вужудга келган йирик империялар жаҳон цивилизациясининг тарихи ва ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди.

Фақат империялар вужудга келгани туфайли инсоният цивилизацияси улкан чўққиларни забт этиб, маълум даражада ишлаб чиқариш муносабатларида юзага келган антогонистик зиддиятларни бартараф этишга, иқтисодий тараққиётга, ўзининг нознеъматларга бўлган эҳтиёжларини қисман бўлса-да, қондиришга, иқтисодий тараққиёт йўлига чиқишга эришди.

Масалан, бундан 2200 йил муқаддам вужудга келган Рим империяси жаҳон амалиётда мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди ва жамият иқтисодий тараққиётда муҳим роль ўйнаган бебаҳо мерос қолдирди. Буюк империя доирасида вужудга келган вазият чорраҳаларида, катта йўл бўйларида махсус тошларга ҳарфлар билан ўйиб ёзилган сўзлар орқали йўловчиларга йўл кўрсаткич белгиларни ўрнатишни тақозо этди. Илк бор римликлар ихтиро қилган бу белгилар ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб йўловчиларнинг ҳаракатини ақл билан тартибга солиш ва бошқаришнинг бебаҳо қуролига айланган. Ёки бугунги кунда кишилик жамияти ҳаётининг ажралмас қисмига айланган қувурлар орқали шаҳарни ичимлик сувлари билан таъминлаш, кўчаларни тошлар билан қоплаш асосида йўловчиларга қулайликлар яратиш, кўп қаватли бинолар қуриб, ўзи уй қуришга имкони

<sup>1</sup> Ўткир Ҳошимиов. Дафтар хошиясидаги битиклар. Тошкент, “Yangi asr avlodi” нашриёти, 2016, 240-бет.

мавжуд бўлмаган аҳолига ижарага бериш, кўп қаватли иморатларнинг асосини бетон билан мустаҳкамлаш, моддий жиҳатдан қийналиб қолган аҳоли қатламларини нон билан бепул таъминлаш асосида уларни моддий жиҳатдан қувватлаш каби оқилона амаллар инсониятга Рим империяси иқтисодиётидан мерос бўлиб қолган. Рим империясида савдосотиқ тизими жуда яхши ривожланган ва ушбу омил империя иқтисодий қудратини юксалтиришга жуда катта ҳисса қўшган. Империяда ўта мураккаб молия тизими шакллантирилиб, товар-пул муносабатларида илк бор банкноталардан фойдаланилган. Табиийки, кишилиқ жамияти иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнаган бундай ихтироларни алоҳида қабила, шаҳар, ҳаттоки мамлакат миқёсида амалга ошириш имконияти йўқ эди. Оламшумул аҳамиятга молик бўлган бундай ихтиролар фақат ишлаб чиқариш кучлари юксак ривожланган, иқтисодий жиҳатдан қудратли йирик империялар негизда юзага келиши ва амалиётга жорий этилиши мумкин. Тарихий маълумотларга кўра, ўз вақтида Рим империяси ҳудудида дунё маҳсулотининг 25-30 фоизи ишлаб чиқарилган<sup>1</sup>.

Амалга оширилган назарий тадқиқотлар натижасида кишилиқ жамияти тараққиётида муҳим роль ўйнаган Амир Темур ва Темурийлар империясининг вужудга келишида ҳам айнан иқтисодий омиллар асосий роль ўйнади, деган хулосага келдик. Империя вужудга келишининг иқтисодий илдизларини таҳлил қилиши асосида унинг иккита асосий сабабини аниқладик. Биринчиси – мустақилликка эришиш, Мовароуннаҳр доирасида тарқоқ кичик феодал давлат тузилмаларини бирлаштириш асосида иқтисодий тараққиётга, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига имконият берувчи марказлашган йирик давлатни барпо этиш. Иккинчиси – Мовароуннаҳрга кўшни мамлакатларни қўшиб олиш ҳисобидан кўлам самарасини юзага келтириш ва пировард натижада, империянинг иқтисодий қудратини ошириш. Ҳар иккала сабабнинг моҳиятини очиб беришга уриниб кўрмоқчимиз.

Амир Темур дунёга келган ва вояга етган пайтларда Мовароуннаҳр халқи оғир иқтисодий шароитларда ҳаёт кечиришга, йўқчилик ва ночорликда яшашга маҳкум этилган эди. Бунинг асосий сабаблари ички низо ва зиддиятлар туфайли юзага келадиган ва халқни тинка-мадорини қуритадиган сурункали бешафқат урушлар, ҳимоясиз қолган меҳнаткаш халқнинг ўлдирилиши, асирга олиб, қул қилиниши, шаҳару қишлоқларнинг мўғул истилочилари томонида талон-тарож қилиниши, уларни ҳимоя остига олишга ярайдиган кучли давлатнинг йўқлиги ва бошқалар эди. Мовароуннаҳрда юзага келган иқтисодий вазият кичик, тарқоқ давлатларни бирлаштириб, халқни ташқи хуружлардан ҳимоя қилишга қодир марказлашган давлатни барпо этишни тақозо этди. Шу билан бирга, халқнинг мулкни талон-тарож этаётган мўғул босқинчиларни мамлакатдан сиқиб чиқариш зарур эди. Бошқача иборалар билан ифодалаганда, мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга ва халқнинг иқтисодий ҳаётини яхшилашга тўсқинлик қилаётган ушбу тўсиқларни бартараф этиш зарурати пишиб етган эди. Ана шу оғир миссияни Амир Темур ўз зиммасига олди ва уни шараф билан якунига етказди. Биз Амир Темурни мўғул истилочилари зулмидан қадди букилган, ночорлик ва иқтисодий тангликка маҳкум этилган ўзининг мазлум халқини ёруғликка, иқтисодий тараққиёт йўлига олиб чиққан буюк инсон сифатида қарасак, асло янглишмаган бўламиз.

Лекин Амир Темур Мовароуннаҳр доирасида марказлашган давлатни барпо қилиш билан чекланиб қолмади. Давлатнинг иқтисодий қудратини ошириш мақсадида ижтимоий ишлаб чиқаришда кўлам самарасини юзага келтириш ғояси уни кўшни давлатларни забт этиш ва улар ҳисобидан ўзининг таъсир доирасини кенгайтириш томон бошлади. Ушбу мақсадда оширилган ҳарбий ҳаракатлар инсоният тарихида қудратли янги империянинг вужудга келиши билан изоҳланади.

У бутун умри давомида асос солган империя ғоят катта ҳудудни: Орол денгизидан тортиб Форс қўлтиғигача, Қора денгиздан тортиб Қуйи Волга, Балхаш кўли, Иль дарёсига

<sup>1</sup> 5 самых мощных экономических времён и народов.Интернеесурс: <https://nikolayyakimenko.com/wp-content/uploads/2015/06/5-ekonom-imperiy.jpg>. Мурожаат этилган сана: 11.07, 2024 йил.

қадар кўплаб мамлакатларни қамраб олган. Кичик Осиё, Миср, Қандаҳор, Сурия, Ҳирот, Дехли, Рай, Табриз, Исфохон ва бошқа бир қатор ўлкалар ушбу империя таркибида эди<sup>1</sup>. Шунча мамлакатларни ишғол этиш, уларни бир давлат доирасида бирлаштириш, бир марказдан уларни идора қилиш Амир Темурдан жуда катта куч, маҳорат ва ақлу-заковат талаб қилган. Табиийки, Амир Темур қудратли империя ташкил қилиш шарафига осонликча эришгани йўқ. У ўзининг ҳаётини катта хавф остига қолдириб, ўттиз беш йиллик ҳукмронлиги давомида умрининг асосий қисмини ҳарбий сафарларда, жанг майдонларида ўтказди. У ўз ҳаёти давомида 17 марта ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган катта урушларда иштирок этди ва уларнинг барчасида ғолиб чиқди.

Ноёб ақлу-заковат соҳиби Амир Темурда мужассам бўлган серқирра фаолиятнинг турли жиҳатлари жуда кўп муаллифлар томонидан эътироф этилган. Манбаларни ўрганиш жараёнида унинг тенги йўқ ҳарбий саркарда, моҳир стратег ва сиёсатдон, ибратга лойиқ давлат арбоби бўлганлиги хусусида тасаввурга эга бўламиз. Лекин ушбу буюк инсонда мужассам бўлган иқтисодий тафаккур, иқтисодий дунёқараш, унинг империя таркибидаги мамлакатлар иқтисодий тараққиётида тутган ўрни, унинг буюк империя доирасида амалга оширган иқтисодий сиёсати ханузгача тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборидан четда қолиб келмоқда. “Ўзбекистон иқтисодиётининг тарихи: Амир Темур давридан то ҳозирги кунга қадар” номли асарда дастлаб Соҳибқирон иқтисодий фаолиятининг айрим жиҳатларини, унинг иқтисодий сиёсатининг моҳиятини, салтанат иқтисодиётини юксалтиришдаги алоҳида ролини очиб беришга доир диққатга сазовор масалалар кўтарилган<sup>2</sup>. Лекин, давлат раҳбарининг иқтисодий қарашлари, иқтисодий сиёсати, иқтисодий тафаккурини ёритишда ҳал этилмаган муаммолар ҳали жуда кўп. Уни фақат Амир Темурда мужассам бўлган юксак иқтисодий тафаккурнинг моҳиятини ва қирраларини очишга қаратилган тадқиқотларни кенг қўламда давом эттириш лозимлигига даъват сифатида қабул қилиш мумкин.

Амир Темурнинг қудратли империяни вужудга келтириш борасидаги серқирра фаолиятининг негизида айнан иқтисодий муносабатлар, иқтисодий манфаатдорлик тамойиллари ётибди, деб хулоса чиқаришга барча асосларимиз бор. Лўнда қилиб айтганда, Амир Темурнинг фаолиятида иқтисодий тараққиётга эришиш бош мақсад, ҳарбий юришлар, марказлашган давлатни барпо этиш, бошқа ўлкаларни забт этиб, бўйсундириш, ички ва ташқи сиёсат, барча-барчаси бош мақсадга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Чунки, Амир Темур ўзининг ҳарбий санъатини, моҳир жангчи эканлигини исботлаш учун бутун умрини хавфу-хатар остида жанг майдонларида ўтказган эмас. Айнан иқтисодий жиҳатдан қудратли империя ташкил этиш ғояси унинг барча хатти-ҳаракатларининг бош мотиви ҳисобланади.

Амир Темурнинг иқтисодий дунёқарашини шакллантиришда отасининг қилган васиятлари муҳим роль ўйнаган, десак, айтиш мумкин. У 16 ёшга тўлганида отасининг унга қилган васиятларига Амир Темур бутун умри давомида оғишмай риоя қилди. Ушбу васиятнинг мазмуни қуйидагича: “Имконият етса, масжид ва мадрасалар қур, уларни жиҳозла – мулкингдан бир қисмини, бисотингнинг бир улушини уларга ҳадя қил. Ўғлим, эсингда тут: кўз олдинда жилва қилиб турган бу дунё худди олтин жомга ўхшайди. Бироқ унинг ичи заҳарли илон ва чаёнлар билан тўла. Бу жомдан илонларнинг чақиши-ю, чаёнларнинг ниш санчишидан бошқа нарса кутиб бўлмайди. Унга кўнгил берма! Фақат ортидан эзгу амаллар, хайрли ишларни қолдирган инсонларга мақтов бор, мангуликка дахлдор бўлади улар”<sup>3</sup>. Амир Темурнинг бутун иқтисодий фаолиятининг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилсак, у ўзининг умри давомида отасидан эшитган ана шу ўғитларга тўла ва қатъий риоя қилганлигининг шоҳиди бўламиз.

<sup>1</sup> Амир Темур 27 мамлакатни ўз империясига қўшиб олди. Амир Темур салтанати ўн тўрт миллион квадрат метрлик майдонни эгаллаган. Эгаллаган ҳудуди жиҳатидан у жаҳонда тўрт буюк империядан бири саналади.

<sup>2</sup> Мухаммедов М.М. Ўзбекистон иқтисодиётининг тарихи: Амир Темур давридан то ҳозирги кунга қадар. “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”. Тошкент, 2022 йил, 36-63 бетлар.

<sup>3</sup> Марсель Б. Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир ТЕМУР. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2011, – 17-б.

Амир Темур бошқа ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ, бутун умри давомида бунёдкорлик, яратувчилик фаолияти билан шуғулланди. Чингизхон империяси Мовароуннаҳрда салкам 140 йиллик ҳукмронлиги давомида ўзидан биронта арзигулик тарихий ёдгорлик объектлари ёки бунёд этилган сув иншоотларини мерос қолдирмаган. Тарихнинг гувоҳлик беришича, мўғуллар ҳудуднинг иқтисодий муаммолари билан, суғориш, ободонлаштириш ишлари билан умуман шуғулланмаган. Улар асосан халқни талаш, мулкни тортиб олиш, зўравонлик, ўлпон ундириш билан шуғулланган.

Амир Темурнинг иқтисодий дунёқараши тамоман бошқача бўлиб, у бутун умри давомида бунёдкорлик, яратувчилик ишлари билан шуғулланди. Унинг бунёдкорлик фаолиятининг ибратга лойиқ жиҳати шундаки, Амир Темур бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини нафақат Мовароуннаҳр ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларга, балки ўзи ишғол этган мамлакатлар ҳудудида ҳам амалга оширди. Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти унинг қуйидаги сўзларида ўзининг яққол ифодасини топган: “Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат экдирдим”. Ушбу сўзларда Амир Темурнинг бутун иқтисодий фалсафаси ўз аксини топган. Ушбу фалсафанинг ўзига хос эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, Амир Темурнинг яратувчилик, озни кўпайтиришга бўлган кучли интилиши Темур ва Темурийлар империясининг барча ўлкаларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Узокни ўйлаб, катта маҳорат билан ҳаётга татбиқ этилган ушбу сиёсатнинг амалий натижаси шунча асрлар сақланиб келган ва умрбод сақланадиган мангулик бўлди. Амир Темурнинг шахсий ташаббуси ва раҳнамолигида яратилган масжиду-мадрасалар, тарихий ёдгорликлар, сув иншоотлари, шаҳарлар мангуликка дахлдордир.

Амир Темурнинг империя ҳудудида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига ва иқтисодий тараққиётига катта туртки берган ноёб хислатларидан яна бири – унинг илм аҳлига чексиз ҳурмати, илмни қадрлаши эди. Ўғли Шохрух Амир Темурдан Улуғбекка насиб этган боғ ҳақида савол берганида, у ўғлига шундай, дея жавоб берди: “Улуғбекнинг боғи – илм, маърифат бўстониدير, тафаккур боғидир. Унинг дарахтлари – китоблар, кашфлардир. Мевалари эса тафаккур ҳикматларидир. Унутма, болам, қаламнинг ёзганлари мангу қоладир. Кун келурки, мен ва сен бир ховуч тупроққа айланурмиз. Улуғбек мирзонинг ёзганлари, қилган ишлари эса асрлар оша инсонларга йўл кўрсатадир”. Амир Темурнинг илму-фаннинг инсоният келажагидаги роли тўғрисидаги башоратлари кишини ҳайратда қолдиради. Агар илму-фан иқтисодий тараққиётнинг, мўл-кўлчиликка эришнинг асосий омили эканлигини инобатга олсак, Соҳибқироннинг илм аҳлига бўлган муносабати империянинг иқтисодий қудратини юксалтиришда нечоғлик муҳим роль ўйнаганлиги хусусида тўла тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Амир Темур Мовароуннаҳрда мустақил давлат барпо этгач, биринчи галдаёқ, мамлакатни оғир иқтисодий вазиятдан халос этиш, унинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш сиёсатини тутди. У ўзининг асосий эътиборини ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, мамлакат аҳолисида мужассам бўлган меҳнат салоҳиятини рўёбга чиқариш, маҳсулот ва хизматлар ҳажмини кенгайтириш асосида аҳолига ишлаб даромад топиши учун қулай шароит яратишга қаратди. Солиқ тизимидаги тартибсизликларни ва унинг мамлакатдаги оғир иқтисодий вазиятни изга солишдаги муҳим ролидан келиб чиққан ҳолда, айнан солиқ тизимини тартибга солишдан бошлади. Ушбу мақсадда солиқ ундиришнинг қонуний асослари мустаҳкамланди, адолат ўрнатиш мақсадида солиқ тўлашда тенглик тамойиллари кучайтирилди. Кучли иқтисодий тафаккур асосида амалга оширилган ушбу тадбир салтанат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида уч томонлама ижобий самара берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчиси** – амирлар, солиқ йиғувчилар, калонтарлар томонидан солиқ ундиришда мавжуд бўлган тартибсизлик ва ноҳақликларга чек қўйилди, солиқ ундиришда адолат тамойиллари қарор топди. Бу тенглик аҳолининг турли қатламлари ва ҳудудларга бир хилда адолатни ёндошиш асосида амалга оширилди.

**Иккинчиси** – аҳоли кенг қатламлари ўртасида солиқ тўлашдаги адолатсизликлардан азият чекаётган кишиларнинг харажатлари камайиб, даромадлари кўпайди. Энг муҳими раъиятнинг давлат иқтисодий сиёсатидан, унинг адолатли эканлигидан қониқиши кучайди ва давлатни қўллаб-қувватлашга, садоқат билан хизмат қилишга мойиллиги сезиларли даражада ошди. Бу салтанатнинг қудратини оширишнинг муҳим шарти эди.

**Учинчиси** – солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларнинг таъсири остида ишлаб чиқариш кучларининг тез суръатлар ривожланиши, товарлар ва хизматлар ҳажмининг кўпайиши, янги иш ўринларининг пайдо бўлишига имконият яратилди.

Дастлабки тадбир қаторида солиқ тизимини адолат юзасидан оқилоналаштириш, тартибга солиш, унинг қонуний асосларини мустаҳкамлашга қаратилган узоқ келажакни мўлжалга олган доно сиёсат Амир Темур салтанати иқтисодий қудратини юксалтиришда ўта муҳим роль ўйнади, деб хулоса қилишга ҳақлимиз. Бу Амир Темурда иқтисодий тафаккурнинг кучлилигидан, тараққиётга эришининг кўп ечимлари орасидан ўсишнинг бош нуқтасини излаб топиш қобилияти мавжудлигидан далолат.

Биз Амир Темурнинг иқтисодий сиёсати тўғрисида фикр юритар эканмиз, унинг халқ иқтисодий ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларининг моҳиятини очиб беришимиз лозим. У бозорларда нарх-наводаги вазиятни, айниқса аҳоли кенг қатламлари учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари нархини қаттиқ назорат остига олди. Амир Темур аҳолининг, айниқса салтанат ҳудудларида юк ташиш карвонларининг, хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратди.

Амир Темурнинг юксак иқтисодий тафаккури нафақат Мовароуннаҳрнинг, балки салтанат таркибидаги барча мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган доно сиёсатни амалга ошириш имконини берди. Натижада кўлам самараси юзага келиб, салтанатнинг иқтисодий қудрати, мамлакатлараро меҳнат тақсимоотидаги ролли кескин ошди. Забт этилган мамлакатларга нисбатан амалга оширилган иқтисодий сиёсатда у, бир томондан, ушбу мамлакатлар халқларининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратган бўлса, иккинчи томондан, забт этилган мамлакатни тартибга келтириш, унинг ҳудудларини ободонлаштириш, хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиётини ривожлантириш каби олийжаноб тадбирларни амалга оширишга қаратди. У ўзининг тузукларида “... амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига (янги) кўприклар солсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар...”.<sup>1</sup> Бундан ташқари, Соҳибқирон забт этилган мамлакатларда солиқ тизимини адолат юзасидан тартибга солиш масаларига жиддий эътибор қаратди. Чунки адолатли солиқ тизими иқтисодий тараққиётга эришишнинг муҳим шартини эканлигини жуда яхши тушунар эди. Энг муҳими, солиқ сиёсати забт этилган мамлакатдан давлат хазинасига тушадиган даромадларни иложи борица кўпайтиришни эмас, балки унинг иқтисодини ривожлантиришга яхши имконият яратишни назарда tutар эди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.
2. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. "Меҳнат", Тошкент, 1992 йил.
3. Ахмедов Бўрибой. Амир Темур. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1995 йил.
4. Қобилов Ш.Р., Рустамов М.А. Буюк сиймоларнинг боқий қудрати. Тошкент, 2017 йил. Ўткир Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар. Тошкент, “Yangi asr avlodi” нашриёти, 2016, 240-бет.

<sup>1</sup> Соғуний А. Темур тузуклари. “SHODLIK NASHRIYOTI” МЧЖ. Тошкент, 2018 йил, 137-138 бетлар.

5. Мухаммедов М.М. Ўзбекистон иқтисодиётининг тарихи: Амир Темур давридан то ҳозирги кунга қадар. “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”. Тошкент, 2022 йил, 36-63 бетлар.
6. Марсель Б. Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир ТЕМУР. –Т.:“Янги аср авлоди”. 2011, – 17-б.
7. Соғуний А. Темур тузуклари. “SHODLIK NASHRIYOTI” МЧЖ. Тошкент, 2018 йил, 137-138-бетлар.
8. Руи Гонсалес де Клавихо. Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406 йиллар.) Рус тилидан О.Тоғаев таржимаси. “Санъат”, 1989. №9, 1990. № 10.
9. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Тошкент: 1990.
10. Рахматуллаева А. Амир Темур салтанати тарихинавслиги. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2010.
11. Рахимов Жумабой. Амир Темур Адолат ва Қудрат тимсоли. – Т.: “Ўқитувчи”, 2017.
12. Хабибуллаев Н.Н., Қурбанова Д.А. Темурийларга оид дурдоналарнинг дунё бўйлаб тарқалиши. – Т.: “Академнашр”, 2016.
13. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: “Ёзувчи”, “Ҳазина”, 1995.
14. Иванин М.И. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур / А.Маҳкамов таржимаси. – Т.: “Фан”, 1994.
15. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Т.: “Ёзувчи”, 1996.
16. Мухаммад Али. Улуғ салтанат (тетралогия 1-4-китоб) . Т.: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, - Т.: 2011-2014.
17. Мухаммедов М.М., Пардаев М.Қ. Иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккур ҳақида нимани биласиз? Рисола. – Самарқанд, “Илҳом булоғи”, 2024.
18. Бердимуратов А. Амир Темур макбараси 1941 йилнинг 16-24 июнь кунларида. Т.: “Янги аср авлоди”, 2010.

<p style="text-align: center;"><b>М.Мухаммедов, М.Пардаев</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Рациональная экономическая политика Амира Тимура – фактор формирования и развития империи</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье доказано, что мудрая экономическая политика Амира Тимура сыграла ключевую роль в формировании и развитии могущественной империи. Несмотря на то, что Великая империя состояла из множества стран, которые различались по экономическим и географическим условиям, этническому составу и культурным традициям населения, мудрая экономическая политика Амира Темура позволила направить их к главной цели, в результате которого удалось создать экономически могущественное государство. Авторы особо подчеркивают, что именно экономическая деятельность сыграла ключевую роль в многогранной деятельности Амира Тимура и что он обладал развитым экономическим мышлением. Статья призывает ученых проводить широко-масштабные научные исследования относительно экономической политики Амира Тимура.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> империя, Римская империя, империя Тимуридов, пробуждение, цивилизация, кризис, экономическая политика, экономическое мышление, производственные силы, экономические отношения, экономический интерес, налоги.</p>	<p style="text-align: center;"><b>M.Muhammedov, M.Pardaev</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Rational economic policy of Amir Timur - factor of formation and development of the empire</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article proves that the wise economic policy of Amir Timur played a key role in the formation and development of a powerful empire. Despite the fact that the Great Empire consisted of many countries that differed in economic and geographical conditions, ethnic composition and cultural traditions of the population, the wise economic policy of Amir Timur made it possible to direct them to the main goal, which resulted in the creation of an economically powerful state. The authors especially emphasize that it was economic activity that played a key role in the multifaceted activities of Amir Temur and that he had developed economic thinking. The article calls on scientists to conduct large-scale scientific research regarding the economic policy of Amir Timur.</p> <p><b>Keywords:</b> empire, Roman Empire, Timurid Empire, awakening, civilization, crisis, economic policy, economic thinking, productive forces, economic worldview, economic relations, economic interest, taxes.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

12.09.2024 йилда теришга берилди. 27.09.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0110А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.